

БАДИЙЛИК. Бу атама икки маънода кўлланилади:

1) кенг маънода санъатни ижтимоий онг шаклларининг бошка турларидан фарклантирувчи хусусиятини белгиловчи тушунча бўлиб, унинг асос-замирида воқеликни образлар воситасида акс эттириш ётади. Образларсиз бадиийлик, бадиийликсиз санъат асари юзага келмайди;

2) тор маънода бирор санъат асарининг бадиий-эстетик жihatдан юксак савиясини ифодалайди, яъни асар компонентларининг ёзувчи гоъвий-эстетик максадига мувофик танлангани ва уларнинг нафосат конуниятлари асосида жойлаштирилганини англатади. Бадиийлик асар учун танланган объектнинг санъаткор томонидан ка й тарзда, ка нда й воситалар оркали, кайси усул ва йўллар билан ўқувчига етказилиши, китобхонда хоспл килинадиган интеллектуал-эмоционал завкнинг мазмун ва микёсп каби масалалар билан муштарак боғланган мураккаб эстетик категориядир. Шакл ва мазмун компонентларининг бирлиги ва мутаносиблиги самараси бўлган бадиийлик адабий асарнинг миллий ва умуминсоний мохиятини, таъсирчанли ва яшовчанлигини белгиловчи мухим омилдир.